

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАУЕТДИНОВ МАЖИТ ЖАНЫЗАҚОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН**  
**ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Бауетдинов Мажит Жанызақович**

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини  
молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш..... 3

**Бауетдинов Мажит Жанызақович**

Совершенствование практики финансирования инвестиционных  
расходов хозяйствующих субъектов ..... 27

**Bauetdinov Majit Janizaqovich**

Improving the practice of financing investment expenditures of economic  
entities ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАУЕТДИНОВ МАЖИТ ЖАНЫЗАҚОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН**  
**ХАРАЖАТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt.712 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исаков Жанабай Яқыпбаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тошмуродова Бувсара Эгамовна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Бердиназаров Зафар Улашович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Ш. Бекмуродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**У.В. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги тараққий этган мамлакатларда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлашнинг зарур шarti ҳисобланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Хусусан, «Франция иқтисодиётини 2018 йилда рецессия ҳолатидан чиқиб, ялпи ички маҳсулотни 1,7 фоизга ўсишида 2018 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2017 йилга нисбатан 4,1 фоизга ошганлиги муҳим аҳамият касб этган»<sup>1</sup>.

Ҳозирги даврда жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш, хусусан, уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш, компанияларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига инновацион усулларни жорий этишга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мазкур мамлакатлар амалиётида инфляция даражаси ва миллий валюта номинал алмашув курси волатиллигининг нисбатан юқори эканлиги оқибатида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига нисбатан юзага келаётган салбий таъсирни бартараф этиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашуви хўжалик юритувчи субъектлар томонидан асосий воситалар импортини сезиларли даражада оширишга олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашни тақозо этмоқда. «Кейинги 10 йилда Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли вазирлик ва идоралар томонидан олиб кирилган асбоб-ускуналар импорти таҳлил қилинмаган. Уларни маҳаллийлаштиришдан ҳеч ким манфаатдор эмас, бу масала билан ҳеч ким астойдил шуғулланмаяпти»<sup>2</sup>. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини тижорат банклари томонидан синдикатли кредитлаш ривожланмаган. Бундан ташқари, республика иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини ҳал этиш имконини бермаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион

<sup>1</sup> France. International Financial Statistics. 2018. www.imf.org.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 12-б.

ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5717-сон «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишнинг сифат жиҳатидан янги тизимга ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4067-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сон «Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар Г.Мэнкью, Р.Барро, С.Мартин, А.Демирғс-Кинт, Р.Левин, А.Дудин, А. Ивасенко, А.Солдатова, Е.Жарковская, Д.Мак Нотон, Ж.Кейнс, О.Лаврушин, О.Бланшар, Р.Барро, С.Мартин, Э.Рид, Л.Миллер, Ф.Мишкин, Х.Сото, Я.Никонова ва бошқаларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, А.Бурханов, Б.Тошмуродова, Д.Саидов, Д.Пулатов, И.Алимардонов, Ш.Абдуллаева Э.Шодмонов ва бошқаларнинг илмий ишларида хўжалик юритувчи субъектлар инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг алоҳида олинган назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

<sup>3</sup> Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики. 4-е изд. Пер. с англ. – СПб.: Питер, 2009. – 440 с.; Барро Дж.Р., Салаи-и-Мартин Х. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. – 824 с.; Demirgbs-Kint A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. A Cross-Country Comparison of Banks, Markets and Development. MIT Press, 2004. – Ch. 4-5.; Pagano M. Financial Markets and Growth//European Economic Review. 1993. Vol. 37, № 2-3.; Дудин А. Дебиторская задолженность. Методы возврата, которые работают. – СПб.: Питер, 2012. – 192 с.; Ивасенко А.Г., Никонова Я.И. Факторинг. – М.: КНОРУС, 2013. – 220 с.; Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: Финансовая академия при правительстве РФ. – 4-е изд., стереотип. – М.: КНОРУС, 2008. – 264 с.; Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ВШЭ, 2010. – 671 с.; Жарковская Е.П. Банковское дело. – М.: Омега-Л, 2008. – 476 с.; Банковские риски. Под ред. Лаврушина О.И., Валенцевой Н.И. Финансовая академия при Правительстве РФ. – 2-е изд. – М.: КноРус, 2008. – 232 с.; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. – Пер. с англ. – М.: Гелиос АРВ, 2012. – 352 с.; Миллер Л.Р. Современные деньги и банковское дело. – М.: Инфра-М, 2000. – 856 с.; Селищев А.С. Деньги. Кредит. Банки. – СПб.: Питер, 2007. – 432 с.; Солдатова А.О. Факторинг и секьюритизация финансовых активов. – М.: Изд. Дом Высшей школы экономики, 2013. – 604 с.; Барро Р., Мартин С. Экономический рост. Пер. с англ. – М.: БИНОМ, 2010. – 374 с.; Frederic S. Mishkin. The Economics of Money, Banking, Financial markets. Seventh Edition. – Boston, 2013.; Сото Х.У. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – М.: Социум, 2008. – 663 с.

<sup>4</sup> Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. «Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк – молия тизимининг ўрни» мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. – 22 б.; Бурханов А.У. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 34 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида

Аммо ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш масаласи мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг макроиқтисодий барқарорлиги ва прогнозлаштиришни таъминлашнинг илмий-услубий асослари ва услубиятларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашларни қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини умумлаштириш ва ундан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва мавжуд тенденцияларни аниқлаш;

мамлакатда хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

инвестицион харажатларни молиялаштириш манбалари ҳажми ўзгаришининг ўрта муддатли прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси йирик саноат корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштириш тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш жараёнида юзага келувчи молиявий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, монографик тадқиқот, эксперт баҳолаш, иқтисодий-математик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

---

иқтисодиётни бошқариш механизми. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – 127 б.; Саидов Д.А. Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқ. ф.н. илм. даражасини олиш учун дисс. – Тошкент: БМА, 2008. – 133 б.; Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002 й. – 304 б.; Алимардонов И.М. Ўзбекистонда ипотекали кредитлашни ривожлантириш истикболлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2009. – 20 б.; Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2005. – 19 б.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини инфляциянинг мўътадил (йиллик 3%) даражасига эришиш ва миллий валютанинг девальвациясига барҳам бериш йўли билан таъминлаш, инвесторларнинг қимматли қоғозлардан оладиган даромадларини солиққа тортишдан озод қилиш орқали корхоналарнинг қимматли қоғозларни муомалага чиқаришга асосланган узоқ муддатли молиявий ресурслар жалб қилиш амалиёти такомиллаштирилган;

кредитларнинг фоиз ставкаларини паст ва барқарор даражасини таъминлаш, корхоналар жорий активлари ва жорий пасивлари таркибини яхшилаш йўли билан жорий ликвидлик коэффициентининг меъерий (1,25) даражасига эришиш орқали корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосланган;

ҳукумат кафолати асосида хориждан қатъий валюта (АҚШ доллари)да халқаро кредитлар жалб қилиш ва улар ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг тижорат банклари олдидаги қатъий валютадаги муддати ўтган ва муддати келган кредитларни қайтариш орқали валюта сиёсати либераллаштирилишининг тижорат банклари узоқ муддатли кредитлаш салоҳиятига салбий таъсирини бартараф этиш таклифи асосланган;

табiiй монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг барқарорлигини таъминлаш йўли билан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарида маҳсулотлар таннархининг ялпи тушумдаги салмоғини пасайтириш орқали корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилик даражасини ошириш асосланган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ликвидлик коэффициентлари бўйича меъерий талаблар бажарилишини таъминлаш учун қисқа муддатли инвестицияларни шакллантириш ва қисқа муддатли инвестицияларни юқори ўсиш суръатини таъминлаган ҳолда, пул маблағлари миқдорини камайишига йўл қўймаслик, уларнинг кредитлар ва қарз маблағлари жалб этиш амалиётини такомиллаштириш, жорий активларнинг ўсиш суръати жорий пасивларнинг ўсиш суръатидан паст бўлишига йўл қўймаслик таклиф қилинган;

республика тижорат банклари томонидан импорт бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида таъминланмаган аккредитивлар салмоғини ошириш мақсадида доимий валюта тушумига эга ва мутлақ ликвидлик коэффициенти 0,50 дан паст бўлмаган мижозларнинг импорти бўйича таъминланмаган аккредитивлар очишни йўлга қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

республика тижорат банклари томонидан маҳсулотларини экспорт қилаётган корхоналарга экспортни молиялаштириш мақсадига берилаётган кредитларнинг фоиз ставкасини давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан бонификация қилиш амалиётини жорий этишнинг зарурлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда хорижий ва республикадаги етакчи иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили, илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари, Ўзбекистон Республикаси Молия



вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг расмий ва статистик маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг реал секторини молиялаштириш тизимининг барқарорлигини таъминлашга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда илмий-услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги орқали ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инвестицион харажатларини молиялаштириш самарадорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банклари томонидан корхоналарга бериладиган узоқ муддатли инвестицион кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш мақсадида банкларнинг ликвидлигини ва молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни яхшилаш йўли билан улар томонидан жалб қилинадиган хорижий кредит линиялари ҳажмини ошириш таклифи «Қишлоқ қурилишбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан амалиётга жорий қилинган («Қишлоқ қурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 25 апрелдаги 03/10-1-12-3350-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида «Қишлоқ қурилишбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳажми 8,8 фоизга ошган;

тижорат банклари регулятив капитали миқдорини устав капиталининг тўланган қисми ҳисобидан ошириш орқали ликвидлик rischi даражасини пасайтириш таклифи «Қишлоқ қурилишбанк» акциядорлик тижорат банки амалиётга жорий қилинган («Қишлоқ қурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг 2019 йил 25 апрелдаги 03/10-1-12-3350-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши натижасида «Қишлоқ қурилишбанк» акциядорлик тижорат банкининг регулятив капитали миқдори устав капиталининг тўланган қисми ҳисобидан олдинги йилга нисбатан 21,4 фоизга ошган;

оддий акцияларнинг эмиссия ҳажмини ошириш, фойда ҳисобидан шакллантириладиган захиралар миқдорини кўпайтириш йўли билан лизинг компанияларининг капиталлашиш даражаси ошириш орқали уларнинг узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш имкониятини ошириш таклифи «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» компанияси томонидан амалиётга жорий қилинган («Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» компаниясининг 2019 йил 10 июндаги 0485А/001-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида 2017 йилда «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» компанияси томонидан жалб қилинган узоқ муддатли ресурслар миқдори 2016 йилга нисбатан 2,4 марта ошган;

лизинг кредитлари бўйича соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражасини таъминлаш ҳамда лизинг кредитлари фоиз ставкаларининг барқарор даражасини таъминлаш йўли билан корхоналарга бериладиган лизинг

кредитлари ҳажмини ошириш таклифи «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» компанияси томонидан амалиётга жорий қилинган («Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» компаниясининг 2019 йил 10 июндаги 0485А/001-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида «Ўзбек Лизинг Интернешнл А.О.» компанияси томонидан хусусий корхоналарга берилган лизинг кредитлари миқдори 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 2,1 марта ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та, жумладан 6 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 6 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгилиги шакллантирилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётининг назарий асослари ва хориж тажрибаси»** деб номланган биринчи бобида таниқли иқтисодчи олимларнинг хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш хусусидаги илмий-назарий қарашлари қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда тегишли илмий хулосалар шакллантирилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг биринчи бобида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш борасидаги хориж тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган.

Россиялик иқтисодчи олим В.Газманнинг хулосасига кўра, лизинг корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг истиқболли ва самарали шакли ҳисобланади<sup>5</sup>.

Фикримизча, В.Газманнинг ушбу хулосаси Ўзбекистон учун амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, республикада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да иқтисодиётнинг реал секторини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, истиқболли инвестиция

<sup>5</sup> Газман В.Д. Лизинг в проектном финансировании.//Финансы. – Москва, 2013. – №9. – С. 78-79.

лойиҳаларини кредитлашни кенгайтириш бўйича аниқ талаблар қўйилган<sup>6</sup>. Бу эса, ўз навбатида, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳажмини ошириш, унинг республикамиз учун нисбатан янги шакли бўлган лизинг шаклидан фойдаланиш ҳажмини оширишни тақозо этади.

Замонамизнинг таниқли иқтисодчи олимларидан бири, АҚШнинг Массачусетс технология институти профессори О.Бланшарнинг фикрича, компанияларнинг инвестицион фаолиятига инфляция кучли салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, инфляцияни паст ва барқарор таъминлаш улар инвестицион фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади<sup>7</sup>.

Иқтисодчи олимлар томонидан ўтказилган кўплаб илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётининг зарур шартларидан бири иқтисодиётнинг реал сектори ва молия сектори ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳисобланади.

Ж.Тобиннинг бу хулосаси амалий аҳамиятга эга. Кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатдики, макроиқтисодий ўсиш суръатлари билан монетизация коэффициенти даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Яъни монетизация даражаси 30 фоиздан паст бўлган мамлакатларда инфляция даражасининг юқори эканлиги ва реал фоиз ставкасининг салбий эканлиги кузатилмоқда<sup>8</sup>.

О.Бланшарнинг хулосасига кўра, иқтисодиётни ривожлантиришда Марказий банкнинг фоиз сиёсати ва ҳукуматнинг бюджет-солиқ сиёсати муҳим ўрин тутаяди. Марказий банкнинг фоиз сиёсати иқтисодиёт «қизиб кетиши»нинг олдини олиш имконини берса, ҳукуматнинг бюджет сиёсати орқали бюджет тақчиллигининг қисқариши иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади<sup>9</sup>.

Гарчи О.Бланшар ўз хулосаларини АҚШ мисолида асослаб берган бўлса-да, дунёнинг бошқа қатор мамлакатларида ҳам мазкур хулосалар амалий тасдиғини топди. Масалан, Хитойда иқтисодиётнинг «қизиб кетиши» хавфи юзага келганлиги сабабли, Хитой Марказий банки тижорат банкларининг депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини 2011 йилда 21,5 фоизга кўтарди<sup>10</sup>.

А. Демирге-Кинт, Р.Левин, М.Пагано, Д.Эйсмоглу сингари иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар молия секторининг ривожланиш даражаси билан иқтисодиётнинг реал сектори ривожланиш даражаси ўртасида ижобий корреляцион боғлиқнинг мавжудлигини кўрсатди. Яъни мамлакатда молия секторининг ривожланиш даражаси қанчалик юқори

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

<sup>7</sup> Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: Издательский дом Государственного университета – Высшей школы экономики, 2010. – С. 529-530.

<sup>8</sup> Тихонов А. Коэффициент монетизации: некоторые аспекты теории, сравнительный анализ и практические выводы//Банковский вестник. – Минск, 2000. - №25 (132). - С. 4.

<sup>9</sup> Бланшар О. Макроэкономика. Пер. с англ. – М.: ИД «Высшая школа экономики», 2010. - С. 108.

<sup>10</sup> Основные индикаторы развития денежно-кредитной системы Республики Узбекистан. Информационно-аналитический обзор. – Ташкент, 2013. - С.24.

бўлса, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари фаолиятининг ривожланиш даражаси ҳам шунчалик юқори бўлади<sup>11</sup>.


Тараққий этган мамлакатларда кредит тизимининг ривожланганлиги иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари молиялаштириш манбаларига талабларини қондириш имконини беради. Хусусан, банк тизимининг ривожланганлиги хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитлар, шу жумладан, инвестицион кредитларга эҳтиёжларини қондириш имконини беради.

Француз олими Р.Баранинг фикрича, кредит харид қобилияти умумий балансини ва иқтисодиётнинг глобал ликвидлигини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади.

Профессор О.Лаврушиннинг фикрича, қайта тақсимлаш функцияси туфайли кредит бутун иқтисодий тизим, шу жумладан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур моддий шарт-шароитларни юзага келтиради<sup>12</sup>.

Диссертацион тадқиқотнинг «**Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётининг замонавий ҳолати ва тенденциялари**» дея номланган иккинчи бобида мамлакат хўжалик юритувчи субъектлари инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётининг замонавий ҳолати таҳлил қилинган ва мавжуд тенденциялар аниқланган.

Шунингдек, тадқиқотнинг иккинчи бобида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражасига баҳо берилган.



**1-расм. Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари таркиби, жамига нисбатан фоизда<sup>13</sup>**

<sup>11</sup> Demirgbs-Kint A., Levine R. Financial Structure and Economic Growth. A Cross-Country Comparison of Banks, Markets and Development. MIT Press, 2004. – Ch. 4-5.; Pagano M. Financial Markets and Growth/European Economic Review. 1993. Vol. 37, № 2-3.

<sup>12</sup> Лаврушин О.И. Роль кредита в экономическом развитии//Банковское дело. – Москва, 2011. - №2. - с. 36.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг статистик бюллетенлари маълумотлари.

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 2014-2016 йилларда давлат бюджети маблағларини иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғи 4,5 % даражасида ўзгаришсиз қолган. Бу эса, мазкур даврда корхоналарнинг ўз маблағлари ва тижорат банклари кредитларининг инвестицион харажатларни молиялаштириш манбалари умумий ҳажмидаги салмоғи пасайганлиги, чет эл инвестициялари ва кредитлари ҳамда бошқа жалб қилинган маблағлар салмоғи ошганлиги билан изоҳланади.

1-расм маълумотларидан аниқ кўриш мумкинки, 2016-2018 йилларда тижорат банклари кредитларини иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнидаги иштироки кучайиб бораётганлигидан далолат беради. Шунингдек, давлат томонидан тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш амалиёти молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1166-сонли қарорига мувофиқ:

тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинadиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;

тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинadиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан;

лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йил 1 сентябрдан бошлаб, уч йил муддатга фойда солиғи ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилди.

Келтирилган маълумотларга кўра, 2017 йилда давлат бюджети маблағларининг корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғи 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, давлатнинг мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги иштирокининг фаоллашганлиги билан изоҳланади.

1-расмда келтирилган маълумотларга кўра, 2014-2018 йилларда корхоналар ўз маблағларининг инвестицияларни молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғи энг юқори бўлган. Аммо таҳлил қилинган давр мобайнида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси кузатилган. Ушбу тенденциянинг юзага келиши 2014-2018 йилларда чет эл инвестициялари ва кредитларининг инвестицияларни молиялаштириш манбалари ҳажмидаги салмоғининг ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали «Бекободцемент» АЖнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларини таҳлил қиламиз.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, «Бекободцемент» АЖ инвестицион харажатларини молиялаштириш манбаларининг мутлақ асосий қисмини ўз маблағлари ташкил этади. Бу эса, ушбу корхонанинг

тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасининг жуда паст эканлиги ва қимматли қоғозларни муомалага чиқариш йўли билан маблағлар жалб этиш амалиётининг такомиллашмаганлигидан далолат беради.

#### 1-жадвал

### «Бекободцемент» АЖ инвестицион харажатларини молиялаштириш манбалари, фоизда<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Ўз маблағлари	67,7	67,6	68,7	81,5	93,5
Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари	0,0	0,0	0,0	0,0	6,5
Узоқ муддатли қарзлар	32,3	32,4	31,3	18,5	0,0
Молиялаштириш манбалари-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

1-жадвал маълумотларидан яққол кўринадики, 2014-2017 йилларда «Бекободцемент» АЖ тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларидан умуман фойдаланмаган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали «РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖнинг молиявий кўрсаткичларига баҳо берамиз (2-жадвал).

#### 2-жадвал

### «РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖнинг молиявий кўрсаткичлари ҳолати<sup>15</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Молиявий левераж коэффиценти	1,1	0,7	1,2	2,6	2,3	1,8
Тезкор ликвидлилик коэффиценти	0,4	0,002	0,04	0,06	0,03	0,0
Жорий ликвидлилик коэффиценти	1,2	1,3	1,8	2,9	2,7	2,6
Молиявий маржа коэффиценти	-1,8	-0,1	-0,4	-0,9	0,0	0,0
Мутлак ликвидлилик коэффиценти	0,4	0,002	0,04	0,06	0,03	0,0
Ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти	1,1	2,0	1,4	1,2	1,2	1,4
Баланс фойда меъёри коэффиценти	0,1	0,1	0,2	0,1	0,2	0,3
Соф фойда меъёри коэффиценти	0,07	0,09	0,1	0,09	0,1	0,2
Активлардан фойдаланиш самарадорлиги коэффиценти	0,7	0,4	0,7	0,4	0,7	0,6
Ўз капитали рентабеллиги коэффиценти	0,2	0,4	0,3	0,2	0,4	0,4
Молиявий мустақиллик коэффиценти	0,51	0,39	0,55	0,72	0,7	0,65

2-жадвал маълумотларига кўра, «РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖда 2018 йилда молиявий левераж, жорий ликвидлилик коэффиценти, ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти, ўз капитали рентабеллиги ва молиявий мустақиллик коэффицентлари бўйича меъерий талаблар бажарилган. Бу эса, мазкур корхонанинг инвестицион харажатларини молиялаштириш учун ресурслар жалб этиш имкониятини таъминлаш нуктаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

<sup>14</sup> «Бекободцемент» АЖнинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

<sup>15</sup> «РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Аммо тезкор ликвидлилик коэффиценти, молиявий маржа, мутлак ликвидлилик коэффицентлари бўйича меъерий талаблар бажарилмаган.

Бу эса қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Корхонада тезкор ликвидлилик коэффиценти бўйича меъерий талаб бажарилмаганлиги қисқа муддатли инвестициялар 2017, 2018 йилларда мавжуд бўлмаганлиги билан ва 2018 йилда қисқа муддатли инвестициялар ҳажми юқори ўсиш суръатига эга бўлгани ҳолда, пул маблағлари миқдори кескин камайганлиги билан изоҳланади.

«РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан қисқа муддатли мажбуриятларнинг ўсиш суръати 2,4 мартани ташкил қилган ҳолда пул маблағлари 26,1 мартага камайган.

2. «РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖда 2018 йилда молиявий маржа коэффиценти бўйича меъерий талабнинг бажарилмаганлиги корхонанинг кредитлар ва қарз маблағлари жалб этиш амалиётининг такомиллашмаганлиги билан изоҳланади.

2017 йилда корхона тижорат банклари кредитларини умуман жалб этмаган. Бундан ташқари, унинг қимматли қоғозлари мавжуд эмас. 2018 йилда корхона қарз мажбуриятларининг асосий қисми мол етказиб берувчилар олдидаги қарздорлик ҳиссасига тўғри келади (23,1 %).

3. «РЕЗИНА ТЕХНИКА» МЧЖда мутлак ликвидлилик бўйича меъерий талаб бажарилмаганлиги 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пул маблағлари миқдори кескин камайганлиги ва қисқа муддатли молиявий инвестициялар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Корхоналарда ликвидлилик коэффицентлари бўйича меъерий талаблар бажарилмаслиги уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш узлуксизлигини таъминлашга тўсқинлик қилади.

### 3-жадвал

#### «CHIMGAN-INVEST» МЧЖда жорий ликвидлилик коэффиценти, молиявий левераж коэффиценти ва соф фойда миқдори ўзгариши<sup>16</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
	2014	2015	2016	2017	2018	
Жорий ликвидлилик коэффиценти	4,8	4,2	2,7	2,6	7,6	2,8 пункт
Молиявий левераж коэффиценти	11,4	6,9	3,6	6,7	17,9	6,5 пункт
Соф фойда миқдори, млн. сўм	34,8	202,6	330,7	276,4	411,7	118, марта

3-жадвалдан кўринадики, 2014-2017 йилларда «CHIMGAN-INVEST» МЧЖнинг жорий ликвидлилик коэффиценти даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, корхонанинг тўловга лаёқатлигини таъминлаш нуктаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади. Аммо 2018 йилда жорий ликвидлилик коэффицентининг 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада ошиши (5,0 пунктга) кузатилган.

<sup>16</sup> «CHIMGAN-INVEST» МЧЖнинг Бухгалтерия баланси (1-шакл) ва «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисоботи (2-шакл) маълумотларига асосан муаллиф томонидан ҳисобланган.

Умуман, «CHIMGAN-INVEST» МЧЖ жорий ликвидлилик коэффициенти бўйича тўловга лаёқатли ҳисобланади.

Шунингдек, «CHIMGAN-INVEST» МЧЖнинг молиявий левераж коэффициенти ва соф фойдаси миқдори ўзгаришидан кузатиш мумкинки, молиявий левераж коэффициенти корхонанинг ўз маблағлари билан жами қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбат сифатида, соф фойда эса, солиқлар тўлангач қоладиган соф фойда сифатида аниқланган.

3-жадвал маълумотларига кўра, «CHIMGAN-INVEST» МЧЖда молиявий левераж коэффициенти даражаси 2014-2018 йилларда унинг меъёрий даражасидан юқори бўлиб, ушбу коэффициент бўйича корхона тўловга лаёқатли ҳисобланади. Мазкур коэффициентнинг 0,6 дан юқори бўлиши юқори тўловга лаёқатли даражаси ҳисобланади.

Молиявий левераж коэффициенти даражасининг 2018 йилда 2014 йилга нисбатан юқори суръатда ўсиши мазкур давр мобайнида корхонадаги ўз маблағлари ҳажмининг ўсиши суръатини унинг мажбуриятлари ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги билан изоҳланади. 2018 йилда 2014 йилга нисбатан «CHIMGAN-INVEST» МЧЖ ўз маблағларининг ошиш суръати 3,8 мартани ташкил этган бўлса, мажбуриятларини ўсиш суръати 2,4 мартани ташкил қилди.

3-жадвал маълумотларига кўра, 2014-2018 йилларда «CHIMGAN-INVEST» МЧЖнинг соф фойдаси миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Бундан ташқари, 2018 йилда 2014 йилга нисбатан соф фойда миқдорининг юқори даражадаги ошиш суръати кузатилган. Ушбу ҳолатлар корхонанинг тўловга лаёқатли даражасини таъминлаш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли инвестицион кредитлари ҳажмининг ошиши корхоналар инвестицион харажатларини кредитлар ҳисобидан молиялаштириш ҳажмини оширишнинг зарур шарти ҳисобланади.

#### 4-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ва уларнинг таркибида узоқ муддатли инвестицион кредитлар улуши<sup>17</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Кредитлар-жами, трлн. сўм	34,8	42,7	53,4	108,5	167,3
Узоқ муддатли кредитлар, трлн.сўм	27,7	34,1	42,7	103,8	158,6
Узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, фоизда	79,6	79,8	80,0	95,7	94,8

4-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2014-2018 йилларда республикада тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдори, шу жумладан, узоқ муддатли кредитлар миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, таҳлил қилинган давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлардаги улушида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган. Юқорида

<sup>17</sup> www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки.



қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

**5-жадвал**

**Тижорат банклари кредитларининг валюта манбаси бўйича тақсимланиши<sup>18</sup>**

Кўрсаткичлар	йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Кредитлар- жами, трлн. сўм	34,8	42,7	53,4	108,5	167,3
Миллий валютадаги кредитларни жами кредитлардаги улуши, фоизда	60,96	47,17	57,24	37,74	44,13
Хорижий валюталардаги кредитларни жами кредитлардаги улуши, фоизда	39,04	32,24	42,79	62,26	55,87

5-жадвал маълумотларига кўра, республикаимиз тижорат банклари томонидан хорижий валютада берилган кредитларнинг улуши 2015-2017 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо ушбу кўрсаткич 2018 йилда 2017 йилга нисбатан пасайган.

2-расм маълумотларига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш имкониятлари хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга лаёқатлилиги, тижорат банкининг ликвидлилиги ва ресурсларининг етарлилиги билан белгиланади.

2-расмда келтирилган кўрсаткичларнинг меъёрий даражаси коэффициент кўринишида берилган.



**2-расм. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш имкониятлари<sup>19</sup>**

<sup>18</sup> www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти) маълумотлари асосида тайёрланди.

<sup>19</sup> Муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг «Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш йўллари» деб номланган учинчи бобида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланди ҳамда уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар аниқланди:

инфляция даражасининг юқори эканлиги сабабли корхоналарда таннарх даражаси юқори эканлиги;

хом ашё ва материаллар баҳоларининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолаётганлиги корхоналарда таннархнинг юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. Натижада корхоналарнинг айланма маблағларни молиялаштириш имкониятига нисбатан салбий таъсир юзага келмоқда;

хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик миқдори катта эканлиги;

Вазирлар Маҳкамаси комплексларига қарашли вазирлик ва идоралар томонидан олиб кирилган асбоб-ускуналар импорти таҳлил қилинмаганлиги, уларни маҳаллийлаштиришдан ҳеч ким манфаатдор эмаслиги;

миллий валюта – сўмнинг АҚШ доллариغا нисбатан қадрсизланиш суръати юқори эканлиги;

синдикатли кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ривожланмаганлиги;

корхоналарнинг жорий активлари ҳажмида пул маблағларининг салмоғи нисбатан паст эканлиги, дебитор қарздорликнинг айланиш суръати паст эканлиги;

тижорат банкларининг кредитларининг фоиз ставкаларини юқори эканлиги;

тижорат банкларининг инвестицион кредитлари бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдорининг катта эканлиги.

**6-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банкларининг сўмда берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси<sup>20</sup>, фоизда**

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2014	2015	2016	2017	2018
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, %	10,0	9,0	9,0	14,0	16,0
Тижорат банкларининг сўмда берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси, %	12,5	11,4	11,5	18,5	20,5


6-жадвал маълумотларига кўра, 2017 йилда ўтган йилларга нисбатан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, тижорат банкларининг сўмда берилган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси кескин ошиб кетди. Бу эса, корхоналарнинг айланма маблағларини тижорат банкларининг кредитлари

<sup>20</sup>Жадвал муаллиф томонидан [www.cbu.uz](http://www.cbu.uz) (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) сайти маълумотлари асосида тузилган.

ҳисобидан молиялаштиришга нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бундан ташқари, жалб этилган маблағлар баҳосининг ошиши ҳам кредитларнинг қимматлашишига сабаб бўлади<sup>21</sup>.

Шунингдек, 2018 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2017 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга оширилди. Бу эса, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаси янада ошишига туртки берди.

Инфляция даражаси ва тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини нисбатан юқори эканлиги ва 2017 йилда миллий валютанинг кескин қадрсизланганлиги, фикримизча, корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилмоқда (3-расм).



**3-расм. Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси, тижорат банкларининг сўмдаги кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси ва миллий валютанинг АҚШ доллариغا нисбатан йиллик қадрсизланиш суръати<sup>22</sup>, фоизда**

3-расм маълумотларига кўра, 2017 йилда инфляция даражаси, тижорат банкларининг сўмдаги кредитларининг фоиз ставкалари ва миллий валютанинг қадрсизланиш суръати кескин ошган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш мақсадида бериладиган кредитлар ҳажмига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлилини амалга ошириш муҳим ҳисобланади.

Корхоналар инвестицион харажатларини молиялаштириш учун берилган кредитларнинг банклар жами кредит қўйилмаларидаги улуши тобе ўзгарувчи сифатида белгилаб олинди (Ү ўзгарувчи).

Амалга оширилган адабиётлар таҳлили асосида қуйидаги бир қатор мустақил ўзгарувчиларнинг таъсир этиши тахмин қилинди:

$X_1$  - инфляциянинг йиллик даражаси, фоизда;

$X_2$  - муддатли депозитлар ўртача ўлчанган фоиз ставкалари, фоизда.

$X_3$  - миллий валютанинг АҚШ доллариغا нисбатан йиллик девальвация суръати, фоизда;

$X_4$  - марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, фоизда.

<sup>21</sup>Куллиев И.Я. Кредит баҳосининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. такд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. 9-б.

<sup>22</sup> www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Эконометрик таҳлилда 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган муддат таҳлил қилинганлиги туфайли 4 тадан ортиқ мустақил ўзгарувчиларни бўлажак таҳлил қилинувчи моделларга киритмасликка қарор қилинди.

Маълумотларни таҳлил қилишдан аввал ўзгарувчилар ўртасида мультиколлинеарлик муаммоси мавжуд эмаслиги текшириб кўрилди. Ушбу жараён VIF (Variance Inflation Factors) тести орқали амалга оширилди ва қуйидаги натижалар олинди (7-жадвал).

**7-жадвал**

**VIF тести натижаси**

Энг кичик эҳтимолий қиймат = 1,0	
Қийматлар > 10,0 бўлиши коллинеарлик муаммоси мавжудлигидан далолат бериши мумкин	
Ўзгарувчилар	VIF қиймати
X <sub>1</sub>	10,00
X <sub>2</sub>	7,94
X <sub>3</sub>	2,17
X <sub>4</sub>	1,97

Натижаларга кўра, маълумотларда мультиколлинеарлик муаммоси мавжуд эмас.

Маълумотлар вақт қаторлари (time series) кўринишида бўлганлиги учун биринчи навбатда қайси модель ушбу ўзгарувчилар табиатига энг мос бўлишини аниқлаб олиш зарур. Шу туфайли ҳар бир ўзгарувчи стационар ёки стационар эмаслигини аниқлаш учун Аугментед Дики Фулер (Augmented Dickey-Fuller test statistic) тести ўтказилди (8-жадвал).

**8-жадвал**

**Стационарликни аниқлаш учун амалга оширилган Аугментед Дики Фулер (Augmented Dickey-Fuller test statistic) тести натижаси**

Ўзгарувчилар	t-статистикаси	p-қиймат	Натижа
